O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



2001 йил 18 апрел чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 76 (2638)





# Аждодлар хотираси муқаддас



Ўтганлар руҳини ёд этиш тириклар олдидаги қарздир. Ҳар йили мустақил мамлакатимизда аждодлар хотирасига бағишлаб ободонлаштириш ишлари ташкил этилаётгани, «Хотира боғлари»-ю, «Хотира майдонлари» бунёд этилаётгани ҳам шундан. Андижон вилояти марказида ҳам ҳашар йўли билан «Хотира майдони» қурилмоқда. «Хотира ва қадрлаш куни» очилиши кутилаётган ушбу мажмуада иш қизғин. Шарқ меъморчилиги анъаналарига суянган ҳолда қад ростлаётган ҳар бир ёдгорликда аждодлар хотирасига чексиз эҳтиром мужассам. Бу ерда ташкил этиладиган «Хотира китоби»да нафақат иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар, балки фронт ортида меҳнат қилган фидойиларнинг номлари ҳам зикр этилади.

***СУРАТЛАРДА:** «Андижончироқ» электр жиҳозловчиси Маъмуржон Расулов; «Хотира майдони»нинг умумий кўриниши; ҳайкалтарош Саидбек Қалбаев.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Умумиқтисодиёт мажмуаси йиғилиши

Вазирлар Маҳкамаси Умумиқтисодиёт мажмуасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Р.Азимов бошқарди. Йиғилишда Умумиқтисодиёт мажмуасига кирувчи вазирликлар, идоралар, шунингдек, соҳага қарашли бир қанча идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Унда 2001 йил биринчи чорак якунлари таҳлил қилинди ва Умумиқтисодиёт мажмуасига кирувчи вазирлик ва идораларнинг иқтисодиётда рўй бераётган ижобий йўналишларини чуқурлаштириш ҳамда мустаҳкамлашга доир вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тахминларини ва 2002 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларида молиявий оқимлар мутаносиблиги билан боғлиқ вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажмуага кирувчи марказий иқтисодий идораларнинг саъй-ҳаракатларини жорий йилнинг иккинчи чорагида кимё саноати ва бошқа иқтисодий соҳаларни барқарорлаштириш ҳамда ривожлантиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишга йўналтиришга қарор қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг "Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплекси ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида" 2000 йил 29 декабрдаги 517-сонли қарори ижроси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан мажмуага кирувчи вазирликлар ва идоралар фаолиятини такомиллаштириш суръатларини янада тезлаштириш зарурати алоҳида таъкидланди.

Мажмуа йиғилиши якунлари бўйича вазирликлар ва идораларнинг 2001 йил иккинчи чорагида ҳал этилиши лозим бўлган устувор масалалар бўйича аниқ вазифаларини белгилаб берувчи баённома қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## КЕЧА



● Хивадаги Маъмун академиясида мамлакатимизга ташриф буюрган Саудия Арабистони подшоҳлиги илмий делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Меҳмонлар Ичон Қальа музей қўриқхонаси билан яқиндан танишдилар.

**● Исроил армияси Ғазо секторини уч қисмга бўлиб юборди. Бу эса минтақадаги вазиятни янада кескинлашишига сабаб бўлган.**

**● Россиянинг ТВ-6 телеканали асосчиси Э. Сагалаев ва унинг ҳамкасблари тележурналист Е. Кислевнинг мазкур телеканал ишига аралашувига яна бир бор норозилик билдиришди. Э. Сагалаевнинг сўзларига қараганда, Е. Кислевнинг келгунига қадар телеканалнинг яхши режалари бўлган. Бироқ энди ТВ-6 ходимлари ўз тақдирларидан ташвишга тушишмоқда.**

## БУГУН

● Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, «Ўзбектеатр», «Ўзбекракс» ижодий бирлашмалари ҳамкорлигида «Алишер Навоий ва XX аср анъанавий томоша санъатлари тарихи» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.

● Пойтахтимиздаги муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройида таниқли хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг "Бунча гўзал бу ҳаёт" деб номланган янги концерт дастури бошланади.



**● Чеченистонлик 18 ёшли Элиза Кунгаевани ўлдирганликда айбланаётган полковник Юрий Буданов устидан олиб борилаётган суд иши қисқа фурсатли танаффусдан сўнг давом этади. Унда жабрланувчилар кўрсатма беришади.**

**● Либерия ҳукуматига мухолиф бўлган гуруҳ аъзоларининг ҳужумидан сўнг ҳалок бўлган мамлакат ёшлар ва спорт вазири Франсуа Массакуининг дафн маросими ўтказилади.**

## ЭРТАГА

● «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компонияси да «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи савдо-ярмаркаси» ўтказилади. Ярмаркада 2001 йил етиштириладиган ҳосилни ҳамдўстлик мамлакатларига етказиб бериш бўйича ўзаро фойдали битимлар тузиш кўзда тутилмоқда.

● Фарғона вилоятида Халқ таълими вазирлиги республика таълим марказининг «Она тили — ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий омили» мавзусидаги анъанавий «Ўзбек тили» анжумани иш бошлайди.



**● Филиппин прокуратураси мамлакатнинг собиқ президенти Жозеф Эстрадага қўйилган 8 та айбдан 5 тасини олиб ташлаш масаласини кўриб чиқади. Аммо давлат мулки талон-тарож қилиш ва ноқонуний маблағларни ўзлаштириш каби энг оғир жиноятлар бундан мустасно.**

## XXI Ўзбекистон асри



# Миллий салоҳият — равнақ йўлида

Ҳеч эсимдан чиқмайди: 80-йиллар бошида бир танишим: «Ўзбекистонга мих ва цемент совет ҳокимияти даврида келди» деб мен билан баҳс қилди. Бу гап ҳамиятимга қаттиқ тегиб кетди ва унга: «Амир Темур даврида қурилган маҳобатли кошоналарда ғишт устига ғишт қандай мустаҳкамлаб терилган экан, агар цементга ўхшаш бирон қоришма бўлмаса? Улар асрлар бўйи турибди-ку?!» дедим. Суҳбатдошим каловланди ва ғаши келиб, топган жавоби шу бўлди: «Амир Темурни нега эслайсан?» Мен бўш келмадим: «Амир Темур давридаги ютуқларни умуминсоният цивилизациясида олтин аср деб, ҳатто европалик олимларнинг ўзлари эътироф этишган ва шундай бўлиб қолади»...

Ватан ва миллат тақдирига доир бундай кўпсонли баҳсларга мустақиллик туб аниқлик киритди. Ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйди. Асл ҳақиқатлар қарор топди. Жумладан, бизнинг халқимиз «Мих ва цементни четдан олиб келган»лиги ҳам чўпчакка айланди. Асл ҳақиқат шуки, Ўзбекистон — узоқ тарихли ва умумбашарият тамаддунида фахрли ўрин тутган азалий маданият, маърифат ва илм-фан ўлкасидир. Ўзбек халқи — қомусий салоҳият соҳиби бўлган бир халқдир. Мустақиллик ана шундай ҳақиқатни қарор топтирди. Бу ҳақиқатни нафақат биз қайта англаяпмиз, балки бутун дунё англаяпти ва эътироф этмоқда.

Халқимизнинг тенгсиз салоҳияти, яъни унинг мислсиз равнаққа қодир куч-қудрати, табиатида яширин теран имкониятлар инсоният тарихининг ибтидосидаёқ намоён бўлган эди. Туронзаминда дунёдаги илк суғориш тизимлари, шаҳарлар пайдо бўлганлиги, бу ерда ёввойи табиат илк марта маданийлаштирилиб, деҳқончилик ва чорвачилик асослари бунёд этилганлиги, бу ҳудудда «Авесто»дай қадимги донишмандлик китоблари туғилганлиги, бу заминда Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Қошғарийлар дунёга келиб, юнон маданияти, илм-фани, фалсафасидан кейин Марказий Осиёни дунёнинг иккинчи илм-фан марказига айлантирганликлари исботланган тарихий ҳақиқатлардир. Буларни биз мустақиллик туфайли янада чуқур идрок этаяпмиз.

Аммо биз фақат ўтмиш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Илм-фанда, маданиятда, адабиёт ва санъатда истеъдодли ёшларнинг янги авлоди вояга етаяпти. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — жамиятнинг янги қудратли салоҳиятини уйғотувчи ҳаётбахш дастурдир.

Истиқлолнинг шарофати фақат тарихий ўзлигимизни, қудратли салоҳиятимиз манбаларини англаб етишга қулай шароит яратганлиги билангина азиз эмас. Янада муҳими, у халқимиз салоҳияти булоғининг кўзларини қайтадан очди ва

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида

Кейинги йилларда аҳолига комунал хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини бозор муносабатларига ўтказишга доир анча ишлар амалга оширилди. Зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди — Уй-жой кодекси, "Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида", "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги қонунлар ва бошқалар қабул қилинди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Концепцияси ҳамда бозор механизмларини жорий этишга қаратилган тегишли минтақавий комплекс дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тугатилди ва унинг негизида "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ташкил этилди. Худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига берилди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик органлари — Уй-жой эгалари кенгашлари шакллантирилмоқда.

Сув, газ ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи асбобларни ишлаб чиқариш ташкил қилинди, уларни кўп хонали уй-жой биноларига ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш жараёнлари ва кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамон пастлигича қолмоқда. Одамларнинг эҳтиёжларига тўра-

(Давоми 2-бетда).

### Ўқисангиз, топасиз

**Тошкент шаҳрида деярли олти йилдан ортиқ вақт мобайнида судма-суд ўтиб юрган «уй можароси», ниҳоят, республика Бош прокурорининг Ўзбекистон Олий суди пленумига киритган протести асосида адолатли ҳал этилди.**

2-бет

**СОҚЧИ. Шундоқ ёзувчини отиб ташлашадими?**

**КОРШУНОВ, Отади. Душманни отмай, уни сўқимга боқадими?**

**СОҚЧИ. Ёзувчилар шунақа ёмон одам бўладими?**

**КОРШУНОВ. Ёмон бўлганда қандоқ! Улар совет ҳукуматининг душмани. Ҳаммасини тутиб, битталаб отяпмиз...**

3-бет

***Раққоса гапирмайди, бутун дардини ҳаракатлари билан ифодалаб беради.***

4-бет

## Мафкуравий таъсирчан рисолалар

Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдириш ўз ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун назарий масалаларни пухта ишлаб чиқиш, илмий хулосаларни ҳаётга татбиқ этиш, амалий тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш зарур. Бугунги кунда тарғиботчи ва ташвиқотчиларни илмий-назарий жиҳатдан қуроллантириш, миллий истиқлол ғоясининг муайян тушунча ва тамойилларини шарҳлайдиган рисолалар чоп этишга эҳтиёж катта.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши бу борада долзарб мафкуравий масалаларга бағишланган маъруза матнларини "Воизга ёрдам" рукни остида нашр этишни йўлга қўйган. Ўтган йили ана шу мавзуда ўнта рисола босилиб чиқди.

"Маънавият" нашриёти яқинда шу туркумнинг яна бешта маъруза матнини чоп этди. Муртазо Қаршибойнинг "Бунёдкор халқ ғояси", Нарзулла Жўраевнинг "Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар", Бахтиёр Омоннинг "Нотиқнинг нуфузи", Васила Каримованинг "Тарғиботнинг психологик услублари" ва Раҳматилла Шералиевнинг "Соғиниб кутилган учрашувлар ёҳуд нотиқлик маҳорати нимада" рисолалари китобхонлар қўлига бориб етди.

Умуман, ҳаёт ғоялар курашидан иборат. Лекин ғоялар бунёдкор ва вайронкор ғояларга бўлинади. "Бунёдкор халқ ғояси" рисоласида миллий истиқлол ғояси айнан бунёдкор халқ ғояси сифатида талқин этилади. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқдир" деган ибратли огоҳлантиришидан келиб чиқилган. Муаллиф бунёдкор ғояни шундай таърифлайди: "Бунёдкор ғоя деб инсонни улуғлайдиган, унинг куч-ғайрати ва салоҳиятини ошириб, халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, ўзида тараққиёт, маърифат, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик, поклик каби мақсадларни мужассам этадиган ғояга айтилади".

(Давоми 2-бетда).

### Дарвоқе...

### Фақат аёллар учун

**Нурота тумани марказида янги туғруқхона қурилди. Мазкур шифохона Финляндия «Медика-медикал» фирмасининг 1 миллион 280 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.**

### «Меҳнат бозори»

**Бағдод туманида «Меҳнат бозори» ўтказилди. Туман ҳокимлиги, прокуратураси, меҳнат ва бандлик туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда 86 нафар ишсиз ўз иш жойларига эга бўлди, 121 фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб этилди. 56 нафар фуқаро эса касбга йўналтириладиган бўлди.**

### Халқаро грант соҳиби

**Япония иқтисод, савдо ва саноат вазирлиги ҳузуридаги янги энергия ҳамда саноат технологиясини ривожлантириш ташкилоти ташкил этган Халқаро танлов якунланди.**

**Танловда Канада, АҚШ ва Япония йирик тадқиқотчилари гуруҳлари қаторида ҳамюртимиз ЎзФАнинг иссиқлик физикаси бўлими профессори Анвар Зоҳидов ҳам грант соҳиби бўлди.**

### Мингинчи трактор

**«Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти XXI асрдаги мингинчи тракторини ишлаб чиқарди. Завод меҳнатчилари Мустақилликнинг ўн йиллиги байрамига қадар ушбу кўрсаткични 3 мингтага етказмоқчи.**

### Бектемир ўн ёшда

**Пойтахтимизнинг Бектемир тумани марказий стадионида туман ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан кеча бўлиб ўтди. Мазкур кеча туман ёшларининг «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» фестивалига уланиб кетди.**

### Ҳиссадорлар йиғилиши

**«Қорақалпоқдоридармон» ҳиссадорлик жамиятининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Унда соғлиқни сақлаш тизимида хўжалик юритаётган субъектлар ва якка фуқароларга дори-дармон етказиб бериш, тармоқда ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.**

**ХАҚ ГАП**

Ота ғайратли бўлса,
Бола ибратли бўлур.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларча қўпол муносабатда бўлиш ҳолларига барҳам берилмаяпти. Хизмат кўрсатишнинг бозор меъёрларига ўтиш борасидаги ишлар суст олиб борилмоқда. Сарф-харажатларни камайтириш бўйича амалда ҳеч нарса қилинаётгани йўқ. Коммунал хизматларга тарифларнинг оширилиши кўрсатилаётган хизматлар турини тегишли равишда кенгайтириш ва энг муҳими, уларнинг сифатини ошириш билан бирга қўшиб олиб борилмаётганлигини қониқарли деб ҳисоблаб бўлмайди. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш учун деярли ҳеч нарса қилинаётгани йўқ.

Коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида тўланиши учун коллектив жавобгарлик тизимини татбиқ этиш бўйича тўпланган тажриба суст оммалаштирилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари — Уй-жой эгалари кенгашларини ташкил этиш жараёни кўпинча юзаки амалга оширилмоқда. Янгидан тузилган ширкатлар айланма маблағлар билан таъминланмаяпти, уларга қайта қуриш ва таъминлаш ишларини ўтказиш учун зарур кредитлар ажратиб берилмаяпти. Уларнинг фаолияти аниқ белгилаб қўйилмаган. Жойларда коммунал хизмат кўрсатишни ўзини ўзи қоплашга ўтказиш ва бюджетдан дотацияларни қисқартириш бўйича белгиланган топшириқлар бажарилмаяпти.

Истеъмолчиларнинг тўлов интизоми пастлигича қолмоқда, ресурслар сарфининг ҳисобга олиниши зарур даражада таъминланмаяпти, тармоқдаги бир қатор корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда, бу эса таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказиш, янги технологияларни жорий этиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда:

1. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш ва уни бозор шарт-шароитларига ўтказиш борасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ҳукуматнинг тегишли қарорларида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг иши қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида, шунингдек Қоракўл, Ғиждувон, Нарпай, Шаҳрихон, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида коммунал соҳани ислоҳ қилиш борасидаги ишлар айниқса ёмон ташкил қилинган.

Ҳукумат (Ў.Султонов) кўрсатиб ўтилган вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда вужудга келган ишларнинг аҳволига принципиал баҳо бериб, бу ишларни ташкил этишни яхшилаш бўйича аниқ-равшан чоралар кўрсин.

2. Аҳолига кўрсатилаётган марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти хизматларини белгиланган муддатларда ўзини ўзи қоплашга босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари маъқуллансин.

Марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти хизматларининг мутаносиб бўлиши ҳамда уни босқичма-босқич ўзини ўзи қоплашга ўтказиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши учун шахсан жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Молия вазири огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўрсатмалар қандай бажарилаётганлигини йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқсин ва аниқ шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари бир ой муддатда уй-жой мулкдорлари ширкатлари — Уй-жой эгалари кенгашларини шакллантириш чора-тадбирлари комплекси ва жадвалларини, шунингдек уларга кредитлар ҳамда спонсорлик (ҳомийлик) маблағлари бериш ҳисобига айланма маблағларни тўлдириш манбаларини излаб топиш, зарур омборхоналарни бериш билан боғлиқ ҳамда бошқа ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар.

Бажарилган ишлар тўғрисида 2001 йилнинг 1 июнига қадар Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этилсин.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Концепциясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ў.Султонов) уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш борасида тасдиқланган чора-тадбирлар ва жадвалларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар коммунал хизматларга аҳолидан маблағларни йиғишда кўмаклашиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (маҳалла қўмитаси) билан ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартномалар тузишлари мумкин.

Коммунал хизматлар ҳақи аҳоли томонидан ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўланишини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини (маҳалла қўмиталарини) ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш мақсадида шу нарса белгилаб қўйилсинки, коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича тушумлар режаси 100 фоиз бажарилган тақдирда хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (маҳалла қўмиталарига) ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларига (шартномалар ким билан тузилганига қараб) тушган тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдорида ажратмалар берилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари) ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари — Уй-жой эгалари кенгашлари ушбу маблағлардан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ходимларини рағбатлантиришга, уй-жой коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича мавжуд қарзларни тўлаш, шу жумладан хизматлар ҳақини тўлашда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек уй-жой биноларини таъмирлаш, маҳаллалар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларни, уй-жой мулкдорлари ширкатига бириктирилган ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги ишларни ўтказишда қатъиян мақсадли фойдаланишни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тўланишини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш Тартибини ўн кун муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

5. Уй-жой-коммунал хизматларга сарф-харажатларни камайтириш мақсадида коммунал (газ таъминоти, иссиқ сув таъминоти, марказий иситиш, сув таъминоти, канализация, санитариявий тозалаш каби) хизматларни кўрсатувчи ҳамда фойдаланиш хизматини амалга оширувчи корхоналар учун рентабелликнинг чекланган даражаси 10 фоиз миқдорида белгилансин.

Уй-жойлардан фойдаланиш ҳамда коммунал хизматларнинг нархлари ва тарифларини тасдиқлаш ёки кейинчалик қайта кўриб чиқиш вақтида оширилган нархлар ва тарифларнинг 10 фоизи коммунал хизмат кўрсатувчи ва уй-жойлардан фойдаланиш хизматини амалга оширувчи корхоналарнинг ўз даромадлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда бир ой муддатда рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш ҳамда уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш нархлари ҳамда тарифларини тасдиқлаш (ёки қайта кўриб чиқиш) тартибини ишлаб чиқиб, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарига етказиб берсин.

6. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар тоифаларининг рўйхати тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг айрим Қоидалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўн кун муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан ҳукумат қарорини қабул қилсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг уй-жой-коммунал соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 17 апрел.



Шоира Рамазонова «Бухоронон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг моҳир қандолатчиларидан ҳисобланади. У меҳнат қилаётган жамоада бир кеча-кундузда 30 тоннадан зиёд 45 турдаги нон ва нон маҳсулотлари сотувга чиқарилади. «Бухоронон» маҳсулотларининг афзаллиги унинг сифатлилигида.

***СУРАТДА:** моҳир қандолатчи Шоира Рамазонова.*

Раҳмонали **АКБАРАЛИЕВ** олган сурат.

# ЯНГИ БАНК ХИЗМАТИ — «ТЕЛЕБАНК»

Республика банк бизнесида банкни мижозларга имкон қадар яқинлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни осонлаштиришга қаратилган янгиликлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун телефон, электрон почта, «Интернет» сингари алоқа воситаларидан фойдаланилмоқда. Республикадаги энг ёш банклардан бири Бизнесбанк бу борада янги қадам ташлади.

Банк мижозларга «Телебанк» деб аталган хизмат турини таклиф этмоқда. Унинг ёрдамида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси телефон орқали турли молиявий маълумотларни, жумладан банк кўрсатадиган хизматлар тўғрисида ахборот олиши мумкин. Бундан ташқари банк мижозлари ўз ҳисоб рақамларидаги маблағлар ҳаракати тўғрисида маълумот олиши ва зарур ҳолларда содир бўлаётган ўзгариш асосида тезкор қарорлар қабул қилиши мумкин. Шуни қайд этиш зарурки, тизим бегоналар киришидан ишончли ҳимояланган ва узлуксиз фаолият юритади.

«Телебанк»нинг жорий этилиши республика банк тизимида замонавий банк технологиялари фаол ўзлаштирилаётганидан далолат беради.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан*

# Фуқаронинг ҳуқуқий тафаккури

Адолатли демократик жамиятга эришишнинг зарурий шарти қонунларга онгли риоя этиш эканлиги кундай равшандир. Бу мақсад йўлида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг мавқеи беқиёсдир. Биз ушбу мақолада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокуратура тизимининг ўрни хусусида сўз юритмоқчимиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, прокуратура идоралари бевосита жиноятчиликка қарши курашиш билан бирга, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Келинг, ҳаётий мисолларга мурожаат этайлик: ўтган йили мамлакатимизда умумий назорат тартибида ўтказилган 15333 та текшириш натижаларига кўра 60 мингдан зиёд прокурор таъсир чоралари қўлланилди. 10 мингдан ортиқ ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатлар прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари 33 мингга яқин тақдимнома ва амрнома орқали бартараф этилди. Фуқаро ва ташкилотларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга жами 32,3 миллиард сўмлик 21206 та даъво аризаси киритилди, уларнинг 80 фоиздан ортиғи қаноатлантирилди.

Фуқаролар мурожаатларига, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этишга алоҳида эътибор қаратилди. Улардан келиб тушган 33810 та ариза ва шикоят бевосита прокуратура идоралари орқали текширилиб, ҳал қилинди. 50 минг нафарга яқин фуқаро қабул қилиниб, уларнинг бузилган қонуний ҳуқуқларини тиклаш юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани, Муқри қишлоғида яшовчи Ортиқ Жумабоев турмуш ўртоғи Робия Жумабоевага тегишли комиссия қарорига кўра ижтимоий таъминот бўлими ногиронлик нафақаси бермай қўйганидан сўнг бир неча бор вилоят, ҳатто республика идораларига мурожаат этди. Натижа бўлмагач, туман прокурорига ариза ёзишга мажбур бўлди. Туман прокурори топшириғига асосан аризагўй қайта тиббий комиссиядан ўтказилди ва унга нисбатан ноҳақлик қилингани аниқланди. III гуруҳ ногирони Р.Жумабоева яна қонуний ҳуқуқидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Адолат тикланди.

Яна бир мисол. Тошкент шаҳрида деярли олти йилдан ортиқ вақт мобайнида судма-суд ўтиб юрган «уй можароси», ниҳоят, республика Бош прокурорининг Ўзбекистон Олий суди пленумига киритган протести асосида адолатли ҳал этилди.

Прокуратура идоралари билан фуқаролар яқинлигини таъминлашда ошкораликка таянган ҳуқуқ тарғиботининг аҳамияти беқиёс.

Ҳуқуқий тафаккур такомилининг муҳим бир шарти — ўзига хос демократик муҳитнинг мавжудлигидир. Бугун мамлакатимизда ана шундай муҳит шаклланиб бормоқда. Инсоннинг барча ҳуқуқлари, эркинлиги таъминланмоқда, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар қонуний асосда ривожланмоқда, фикрлар хилма-хиллиги, кўп партиявийлик, сиёсий рақобат ижтимоий меъёрга айланиб бораяпти.

Тарихдан маълумки, ривожланган мамлакатлар ислоҳотларни татбиқ этиш шароитида, ўтиш даврида ўзининг амалдаги қонунларини демократик тамойиллар асосида давр талабига мослаб боради. «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўртинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ана шу тарихий зарурат туфайлидир. V сессияда иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиган ушбу қонун лойиҳаси амалдагисига нисбатан прокуратура идораларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, вазифалари ва кафолатлари бугунги кун талабларига мос равишда тайёрланмоқда.

Халқ манфаатини кўзловчи қонунлар эса — адолат мезонларидир. Улар миллатимиз равнақи, келажаги учун хизмат қилади.

**Саидмурод ШЕРНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

# Миллий салоҳият — равнақ йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда).

жўштириб юборди. Ёш ўзбек шахматчиси Рустам Қосимжонов бугун жаҳоннинг энг кучли шахматчилари қаторида саналмоқда. Ҳатто, у ўз рейтинг кўрсаткичлари билан Анатолий Карповдай жаҳон шахмат тождори бўлган донгдор спортчидан олдинроққа чиқиб олди. «Ёрқин истеъдод эгаси бўлса, у ҳар қандай шароитда ёриб чиқаверади» дейишлари мумкин. Унда нега собиқ совет тузуми шароитида Рустам Қосимжоновдай шахматчилар ва бошқа донгдор спортчилар халқимиз орасидан деярли чиқмади? Бунинг сабаби шуки, истеъдоднинг ўзи ҳамма нарсани ҳал эта олмайди. Унинг юзага чиқиши учун шароит ҳам керак. Совет тузуми шароитида республикада бу спорт тури айтарли ривож топмади. Чунки унга умуман эътибор ҳам кўрсатилгани йўқ. Бугун Рустам Қосимжоновнинг ютуқларини Ватан ардоқламоқда, Президент рағбатлантирмоқда. Унга шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Яқинда андижонлик донгдор боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев Америка профессионал боксчилар рингида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. У ғолиб деб тан олинган лаҳзада боши узра Ўзбекистон байроғини кўтариб, рингни айланиб чиқди. Бу ғоятда рамзли эди. Чунки Муҳаммадқодирни Мустақил Ўзбекистон юзага чиқарди ва уни қўллаб-қувватлади. Эндиликда ўзбек кураши ҳам халқаро спорт турлари қаторидан ўрин олмоқда.

Бизнинг яна бир ноёб салоҳиятимиз — халқимизнинг азал-азалдан ноёб ҳунарманд халқ эканлигидир. Кўпинча, биз бунга айтарли эътибор қилмаймиз. Аслида, деҳқончилик, чорвачилик соҳалари қаторида бизда миллий ҳунармандчилик ҳам халқимизнинг энг қадимги тирикчилик турларидан биридир. Қилқалам, нафис, заргарона ҳунарларга қодир бу халқ яратган бойликлар дунё цивилизациясига олтин ютуқлар ҳадя этди. Аммо собиқ шўро тузумида ҳунармандчилик — хусусий бойлик орттиришнинг чиркин манбаи деб, унга деярли барҳам берилган эди. Миллий ҳунармандчиликка менсимай қараб келинди. Халқ устаси Маҳмуд Усмонов камина билан бир суҳбатда калтабин мутахассисларнинг: «Энди бу наққошлик ва ганчкорликни деворларга эмас, ерга тўшаб қўя қоласиз» деган кинноясини изтироб билан айтган эди. Ўзбекистонда ҳунармандлик иккинчи ҳаётини бошлади. Яқинда Германияда Ўзбекистон элчихонаси очилди. Миллий усталаримиз ҳунари билан нурланиб турган элчихона кошонаси, ҳатто, Германия давлат раҳбарларининг ҳайрат ва ҳавасини келтирганлигини телевизорда кўрдик. Бизнинг усталаримиз меҳнатини улар «қандай мўъжиза!» деб таърифлашди. Бугун, истиқлол шароитида Ўзбекистон ҳунармандчилиги ана шундай халқаро эътирофларга муяссар бўлмоқда. Ҳунармандларимизнинг нодир асарлари эса дунё кезмоқда.

Буларнинг барчаси Мустақиллик неъматларидир. Муаммолар бор, албатта. Аммо изланаётган, меҳнат қилаётган, ўзлигини кенг миқёсда тобора ёрқин даражада намоён этиб бораётган мамлакатнинг тараққиёт йўлидаги бу муаммоларини ўзимиз ҳал этамиз. Бунга қодирмиз.

Асрларга, минг йилларга ҳамнафас бўл, бизни кўкартираётган ва улғайтираётган Ўзбекистон истиқлоли!

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Рисолада эркинлик, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, диний бағрикенглик ғоялари нисбатан батафсилроқ шарҳланган.

Ҳаётнинг ўзгариши билан одамлар тафаккурида ҳам янгича қарашлар ҳосил бўла боради. "Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар" рисоласида ана шу ўзгараётган замон ва тафаккур майдонида инсониятнинг тинч тараққиётига зид оқим ва ҳаракатларга қарши курашнинг аҳамияти, йўл-йўриқлари Президент Ислом Каримов асарлари таҳлили асосида атрофлича кўрсатиб берилган.

Навбатдаги уч рисола нотиқлик санъатининг илмий-амалий жиҳатлари таҳлилига бағишлангани билан алоҳида аҳамият касб этади.

# Мафкуравий таъсирчан рисолалар

"Нотиқнинг нуфузи" китобчасида нотиқнинг тайёргарлик даражаси ва психологик кайфияти маълумотлардан фойдаланиш, тезисларни қайд этиб бориш, композиция, далиллаш санъати, далолат ва рақамлар, образлилик ва қиёслаш, нуфузли манбаларга мурожаат этиш асосида ёрқин ифодаланади.

"Тарғиботнинг психологик услублари" рисоласида тарғибот ва ташвиқот ишларини юритишнинг ўзига хос жараёнлари таҳлил этилади. Бунда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари тарғибида психология фани ютуқларидан фойдаланиш йўл-йўриқларини ҳам англаб оламиз.

"Соғиниб кутилган учрашувлар ёҳуд нотиқлик маҳорати нимада" рисоласи бевосита амалий тажрибалар ва кузатувлар маҳсули сифатида диққатни тортади. Муаллиф нотиқлик маҳорати сирларини масъулият юки, мафкуравий харита, қалбни забт этиш воситаси, таянч нуқтаси, билимдонлик, нотиқ ва унинг "мен"и масалаларини мисоллар асосида ишонарли асослаб берган.

"Воизга ёрдам" туркумининг юқорида санаб ўтилган рисолалари бизда маънавий-маърифий тарғиб ишлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янги поғоналар сари юксалаётганидан далолат беради.

**(ЎзА).**

# Маслаҳат кенгаши ва Ташаббус гуруҳи йиғилиши

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Маслаҳат кенгаши ва Ташаббус гуруҳининг қўшма йиғилишида ҳаракатнинг Таъсис қурултойини чақириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Унда делегатларни сайлашга бағишланган йиғилишлар ҳамда Низом ва Дастур лойиҳалари муҳокамасининг якунлари, шунингдек, бўлажак ёшлар анжумани муҳокамасига киритиладиган масалалар юзасидан тегишли ахборотлар тингланди.

Мажлисда Ҳаракатнинг Дастури ва Низоми лойиҳалари вилоятларда, туман ва шаҳарларда, корхона ва ташкилотларда, мактаблар ва олий ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда қизғин муҳокама этилгани, турли соҳа вакиллари бўлган ёшлар томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар алоҳида ўрганиб чиқилгани ва улардан ушбу ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланилгани қайд этилди.

Таъсис қурултойи делегатлигига ёшларнинг барча қатламлари вакилларидан иборат энг фаол, энг муносиб номзодлар сайлангани, улар орасида ўқувчи ва талабалар, тадбиркор ва фермерлар, муҳандис ва ишчилар, олимлар ва ижодкорлар, таниқли спортчи ва санъаткорлар борлиги алоҳида эътирофга лойиқдир. Бир сўз билан айтганда, қурултойда мамлакатимиз ёшларининг куч-ғайратини Ватан равнақи учун йўналтиришга, уларни янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида бирлаштиришга қодир бўлган вакиллари тўпланадилар.

Мажлисда "Камолот" ёшларни ўз бағрига олиши, уларнинг ўз халқи ва юртига муносиб фарзандлар бўлиб вояга етишига кўмаклашиши, уларнинг маслаҳаттўйига айланиши лозимлиги яна бир бор таъкидланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойини шу йилнинг 25 апрелида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

***Мақсад на эди жаҳона келдинг,***
***Кайфиятинги баён этиб кет.***

**НОДИРА**

# Умрим баёни

**Саид Аҳмад,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**



Табиатнинг донолигига тан бермай иложинг йўқ. Ҳамма нарсанинг ўлчови бор. Дақиқа — дақиқасию сония-сонияси ўлчаб қўйилган. Ёзда кун узун, тун қисқа. Қишда кун қисқа, тун узун. Нега? Дўппингни тиззангга қўйиб, чаккангни қашлаб, бир ўйлаб қарасанг — буюк бир ҳикматга дуч келасан. Яъни, ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса ер юзида қимирлаган жон учун эканига иқрор бўласан. Аллоҳ, боғбоннинг меваси пишсин, деҳқоннинг экини кўпроқ офтобдан баҳраманд бўлсин деб ёруғ кунни узайтириб қўйган. Қиш тунлари жуда узун, тонг отишини кутиб у ёнбошингдан-бу ёнбошингга ағдарилаверасан-ағдарилаверасан. Ҳадеганда уфқ чети оқаравермайди. Бунда не каромат бор? Ўйлайсан-ўйлайсан, яна бир буюк ҳикматга дуч келасан. Миллиард-миллиард фарзандининг оғзига кўксини тутган она-замин толиқиб, уйқуга бош қўйган. Табиат унинг устига оппоқ кўрпасини ёпиб, мириқиб ухлаб ором ол, деяпти.

Мен мана шундай қишнинг, мана шундай ёзнинг саксонтасини кўрдим. Бирини йиғлаб, бирини кулиб, бирини илҳом тўла ижод билан, яна бирини чилпарчин бўлган умидлар харобаси устида кўзёш тўкиб ўтказдим.

Шоир мендан, бу дунёга нима ниятда келган эдинг, айтадиганингни айтиб кет, деб қистаяпти.

Мен туғилган XX асрнинг йигирманчи йилида авжи ўрик пишиғи, ҳар донаси ёнғоқдек келадиган Аштархон гилослари бозорни тўлдирган. Жомеъ масжиди ёнбошидаги Кўчат бозори товсилиб, ўрнини чархчилар эгаллаган пайтлар экан. Ўша йили Жомеъ гумбазидаги сават-уяда лайлак иккита жўжа очган экан. Бири — оқ, бири — қора...

Тошкентликлар қора лайлак кўрмаган эканлар. Ҳамманинг кўзи — сават уясида: «Кеп қолинг, ҳасти Уккошанинг булоқларидан чиққан Обишифо сувидан ичиб қолинг!» деб жавраб юрган Ҳожи мешкобчи бу мўъжизани кўриб, бир хунук гап айтган экан.

— Мусулмонлар, беш вақт намозни канда қилманглар! Йил ёмон келяпти, шундоқ юввош қушнинг уясидан ҳам ола чиқди...

Ҳожи мешкобчи башорат қилган экан: Русияда қурғоқчилик бўлиб, Тошкентни Волга бўйларидан, Семипалатинский тарафлардан поездга осилиб келган очлар босиб кетди. Ўзбек деҳқонларининг шўри қуриди. Кимнинг уйида бир кафт дон бўлса, бола-чақасининг ризқидан қийиб, тўппонча ўқталиб опчиқиб кетишди. Ўзига тўқ деҳқонларни «қулоқ» (муштумзўр) қилиб, Сибирга ҳайдашди. Бедабозор йўлида гадой кўплигидан ўтиб бўлмай қолди. Бу очарчилик ва бу нотинчликнинг сабабчиси бўлмиш қора лайлакни Раббим деган мерган отиб ташлади. Энди юрт тинчийди, деб ўйлашган эди. Йўқ, қама-қамалар бошланди. Ҳар беш кишидан учтаси «халқ душмани» бўлиб қамалди. «Шўрога қарши ташвиқот қилган!» деб сақичмонлик Суннат соқов ўз номини айтолмаса ҳам, қамалиб кетди.

Онам Зулфияхон тахтапуллик Ғулом Расул қозининг тўнғич фарзанди бўлган. У киши Уфа шаҳрида таълим олган муаллимани ёллаб онамни ўқитган эканлар. Мен ойимнинг пинжига суқилиб ўтириб ҳуснихат машқ қилардим.

Араб алифбоси бекор бўлиб, лотин алифбоси жорий этилаётган пайтлар эди. Араб алифбосида ёзилган қизил бахмал байроқлар, шиорлар олиб ташланди. Менинг жиндек рассомлигимдан, ҳарфларни чиройли ёзишимдан хабар топган идора завхозлари той-той бахмал олиб келишар, мен уларга сира ўчмайдиган зарҳал билан шиорлар ёзиб берардим. Аввалги бахмал байроқларни қишлоқдан келган бозорчиларга сотишар эди. Сароғоч, Турбат, Кўктерак тарафлардан қизил бахмал чопон кийган бозорчилар келишарди. Бирининг елкасига «яшасин», бирининг киндигига хитоб аломати, яна бирининг кўкрагига «бирлашингиз» сўзлари тўғри келиб қоларди.

Ўн саккиз ёшга кирганимда лотин алифбоси ҳам бекор бўлиб, Кирилл алифбосига ўтилган эди.

Сирдарё бўйи чорвадорлари қиз чиқараётганларида куёв тарафдан юбориладиган сарпо ичида ювса кетмас зарҳал билан ёзилган бахмал байроқ ёки тўрт метргина духоба шиор — «лозунка» бўлмаса, сарполарни қайтариб юборардилар. Ўша пайтларда тушган келинларни то бола-чақали бўлиб кетгунча «Қизил байроқли келин» деб аташарди.

Номдор ёзувчилар қамалиб кетиб, китоб дўконлари ҳувиллаб қолганди. Кўпдан бери ҳикоялар машқ қилардим. Фоточиликка ишқим тушиб, кундузлари сурат олардим. Уйимизда электр бўлмаганидан кечаларим бекор ўтмасин деб Ғафур Ғуломга, Абдулла Қаҳҳорга эргашиб ҳикоялар ёзардим. Редакцияларда мени биров ёзувчи деса, биров фоточи дер, яна биров рассом деб атарди.

Минг тўққиз юз ўттиз тўққизинчи йили лотин алифбосида босилган охирги китоб менинг «Тортиқ» деб аталган китобчам бўлди.

Ғафур Ғулом қаёққа борса орқасидан соядек эргашдим. Аппаратимни бўйнимга осиб, машҳур Пенсон деган фоточининг кетидан қолмадим. Бир газетада ҳикоям чиқса, бошқасида тагига «Сайдаҳмад фотоси» деб ёзилган сурват босиларди.

Ана шундай учиб-қўниб, босар-тусаримни билмай юрган пайтимда дадамни «халқ душмани» деб қамашди.

Дадам Тошкентда отаси Дадахўжабой очган рус-тузем мактабида ўқиган, рус тилини мукаммал эгаллаган киши эди. Русча хатни ҳуснихат билан бехато ёзарди. Ҳатто ўрислар ҳам бирорта нозикроқ жойга хат юборадиган бўлсалар ёки ариза ёзсалар албатта дадамга кўрсатиб олардилар.

Дадам Тошкентдаги «Қизил шарқ» паровоз ремонт заводи директорининг муовини эди, директор ҳамда инженерлар билан ишчилар ўртасида таржимонлик қиларди. Ишчиларга рус тилида аризалар, тушунтириш хатлари ёзиб берарди.

Бувам Дадахўжабой Тошкентнинг машҳур бойларидан бўлган. У шаҳар Думасининг аъзоси эди. Шунинг учун ҳам унинг номига қўшимча қилиб «Дадахўжа дўма» деб аташарди.

Дадахўжа дўма Чирчиқ дарёсидан Тошкентга тош ташитиб, Чорсудан Самарқанд дарвоза гузаригача, тахминан, саккиз чақирим масофага ўз ҳисобидан тош ётқиздирган. Шу йўл ёқасига ўттизга яқин газ-фонар ўрнаттирган эди.

Дадахўжа дўма Тошкентда иккита рус-тузем мактаби очиб, рус ўқитувчиларини жалб қилиб, ўзбек болаларини ўқитган. Мактаб харажатларига, ўқитувчиларнинг маошларига унинг маблағидан сарфланган. Йигирманчи-ўттизинчи йилларда ҳукумат идораларини бошқарган, маданий-маърифий ишларга раҳбарлик қилган, рус тилини мукаммал эгаллаган йигитлар бобомнинг мактабида таълим олган ўзбек болалари эди.

Шунинг учун ҳам ҳукумат бувамга тегмади. Уни ўз ҳолига қўйиб берди. Бувам ички-ташқи шаҳар ҳовлисини, таърифи кетган боғини болалар уйига топширди, ўзимиз боғ четидаги қўрғончада қолдик. Тиним билмас бу чол бекор ўтиришни ўзига ҳайф билиб, новвойчилик қилиб невараларини боқди.

Бошимизга тушган кўргуликдан хабар топган Ғафур Ғулом мени юпатган бўлди:

— Сен кўпам куяверма! Ҳукумат адолат қилиб, дадангни қўйиб юборади. Қози буванг сиёсатга аралашмаган, китобдан бош кўтармайдиган одам эди. Дадахўжа буванг топганини юрт ободлигига, маърифат йўлига сарфлаган. Энди сен ҳадеб давраларга бошингни суқаверма. Ишингга бор-уйингга қайт. Тилингни тий! Одамлар қуларкан деб ҳар балони гапираверма, — деб насиҳат қилди. Кейин уёқ-буёққа қараб, секин қўшиб қўйди: — Энди анкета тўлдирганингда бобомнинг қарамоғида яшаганман деб ёзгин.

Ғафур аканинг гапи тўғри чиқди. Ҳеч ким «халқ душманининг ўғли» деб юзимга солмади.

Ана шундан кейин ўша кезларда бошланган Катта Фарғона канали қурилишига ёшлар газетасининг махсус мухбири бўлиб жўнаб кетдим. Канал қурилиши менга бир ижод мактаби бўлди. Бўлаётган воқеаларни, одамларни худди расм чизаётгандек ўзларига қараб туриб ёзардим. Ёзиб юборган мақолаларим, очеркларим тўхтаб қолмасди. Редакцияга етиб бориши билан сарлавҳа тагига «Махсус мухбиримиздан» деган таъкид билан босиб чиқаришарди. Қурилишда бошқа газеталарнинг мухбирлари ҳам тинмай хабарлар юбориб туришарди. Ёзганларимизни баъзан самолётда олиб кетишарди.

Канал қурилишида бир ойдан ортиқ ишладим. Мен борганда қурилиш бошланганига ўн беш кун бўлган, қурилишни асосан қирқ беш кунда тугаллаш мўлжалланган эди. Қурилишда фақат кўприк қурувчилар, йўлсозлар қолганди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан кейин орадан бирор ой ўтиб, мен ишлайдиган ёшлар газетаси тугатилди. Бир йилча кўчага ҳам чиқмай ҳикоялар ёздим. Баъзан «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бир сонида ҳикоям билан қишлоқдан ёзган очерким босиларди. Тажрибали журналистларнинг кўплари фронтга чақирилиб, армия газеталарида фаолият кўрсата бошлаган эдилар. Таржимаи ҳолим ёқмадими, билмадим, мени фронтга юборишмади. Газета редакциясининг ўзида олиб қолишди. Фарҳод ГЭСи қурилиши бошланиши билан мени яна қурилишга махсус мухбир қилиб юборишди. «Онажонлар», «Иқбол чироқлари» ҳикояларимни, «Фарҳод тоғи этакларида», «Тўппонча полвон» номли очеркларимни қурилишда, тупроқ уюмлари орасида чангга беланиб, тиззамга блокнот қўйиб ёзганман.

Кўп орзиқиб кутилган Ғалаба байрамини шоир Чустий билан ГЭС биноси учун қазилган жойда, минг-минглаб одамлар орасида ўтказганим ҳалигача кўз олдимда.

Тошкентга чақириб олишди. Редакцияда фельетончи вазифасида ишлай бошладим. Газетада тез-тез фельетонларим босилиб турарди. Ўша пайтларда энг машҳур журналистлардан бири бўлиб қолгандим.

Ёшим ҳам бир жойга бориб қолди. Энди уйланиш, рўзғор бошини ушлашим керак. Андижонлик ёш шоира Саида Зуннунова билан аҳд-паймон қилиб, икки томоннинг розилиги билан унаштирилдик.

Орқамдан соядек эргашиб юрган бахтсизлик яна бош кўтарди. Унаштирилган кунимизнинг эртасига ўша — дадамни қамоққа олган КГБ ходими Мансуров уйимизни тинтув қилиб, акамни ҳам қамоққа олиб кетди. Гангиб қолдим. Нима қилишимни билмайман. Тўй куни тайин бўлган. Одамларга хабар қилинган. Тўйни тўхтатма, деб маслаҳат беришди. 1949 йилнинг 28 ноябр куни тўй бўлиши керак. Андижондан Саидахоннинг онаси, синглиси етиб келган. Ўша куни редакциядан одам келиб мени зудлик билан чақириб олиб кетди. Борсам, озроқ кутиб тур, ҳозир Андижондан телефон қилишади, дейишди. Нима гап бўлди экан, деб ташвишлана бошладим. Ниҳоят, телефон жиринглади. Қўрқиб трубкани олдим. Саидахоннинг биттаю битта, ўн тўққиз ёшга кирган Насибжон деган укаси оламдан ўтибди.

Ўша пайтда газета редактори Шароф Рашидов эди. Бу шумхабарни у ҳам эшитган экан. «Саиданинг онасини Андижонга қайтариб юбориш керак. Бу хабарни ҳозирча Саида билмай тургани маъқул», деб маслаҳат берди. Газетанинг масъул котиби Аҳмад Исмоилов Рашидовнинг депутатлик ҳужжати билан Андижон поездига билет олиб келди.

Абдулла Қаҳҳор бир гап айтган эди.

— Ёш боланинг кучи оёғида, юриб чарчамайди. Йигитнинг кучи билагида, ишлаб чарчамайди. Аммо кексанинг кучи юрагида бўлади. Ҳар қандай оғир дардни ҳам кўтара олади.

Бу гапнинг нақадар ҳақлигига 29 ноябр тонг отар пайтида иқрор бўлдим. Андижонда — Сабохон аянинг уйида ўғлига жаноза ўқилди, Тошкентда айни шу дақиқада қизи Саиданинг келин саломи бўлиб ўтди.

Бу кўргуликлар ҳали ҳолва эканини, бошимизга тушадиган энг даҳшатли кунлар тўй ўчоғи совумай туриб йўлимизга чиқиб кутиб турганини билмасдик.

Дадамни, Оқилхон амакимни, Имомхон акамни олиб кетган КГБ ходими Мансуров 1950 йилнинг машъум 10 май куни уйимизда бойқушдек пайдо бўлди. Энди у мени олиб кетгани келган. Ҳаммаёқни титкилаб, китоблар орасидан Ўзбекистоннинг ўн йиллигига бағишлаб рус тилида нашр қилинган адабий тўпламни ашёвий далил сифатида айбномага киритди. Унда ўзбек ёзувчиларининг рус тилига таржима қилинган шеърлари, ҳикоялари, роман ҳамда қиссаларидан парчалар босилган эди. Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» романидан «Я не басмач» деган бир боби босилган экан. Менга, таъқиқланган асарни сақлаган, деган айб қўйилди.

Мухторхон акам Сталинград жангларида дом-дараксиз йўқолган, дадам билан акам қамоқда. Энди мени олиб кетишяпти. Ғамдан, айрилиқдан адои тамом бўлган онам болаларидан айрилиб, худди қум қисмлаган қўлдек бўшаб қолганди.

Қўлимга кишан солиб олиб кетишди. Онам билан Саидахон бирбирининг пинжига суқилиб мунғайиб қолишди.

Машинада икки соқчининг ўртасида карахт бир алпозда кетяпман. Нималар бўлаётганини, қаёққа кетаётганимни идрок қилолмасдим. Тушимми, ўнгимми-билмасдим. Гўё тақдир менга ҳазил қилаётгандек эди. Ҳозир мени қамоққа олиб боради, аҳмоқ, ҳукумат билан ўйнашишни сенга ким қўйибди, деб сўкиб-сўкиб уйимга қайтариб юборади, деган телба бир хаёл бошимда айланарди.

Қодирийлар, Чўлпонлар, Фитратлар кирган, кириш бор-у, чиқиш йўқ эшикдан мени ҳам олиб ўтишди.

Қамалишимнинг ўн учинчи куни яна терговчи хонасига олиб чиқишди. Мени сўроқ қиладиган капитан Конюховни тергов бўлимининг бошлиғи полковник Генкин чақиртирган экан. Камерадан мени олиб чиққан соқчи унинг қайтишини узоқ кутиб қолди. Соқчи терговчидан маҳбусни қабул қилиб олдим, деган қоғозга қўл қўйдирмасдан мени қолдиролмасди. Терговчининг ёрдамчиси кичик лейтенант Коршунов билан соқчи ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтди.

СОҚЧИ. Шундоқ ёзувчини отиб ташлашадими?

КОРШУНОВ, Отади. Душманни отмай, уни сўқимга боқадими?

СОҚЧИ. Ёзувчилар шунақа ёмон одам бўладими?

КОРШУНОВ. Ёмон бўлганда қандоқ! Улар совет ҳукуматининг душмани. Ҳаммасини тутиб, битталаб отяпмиз...

Умуман, соқчининг биров билан гаплашиши, айниқса, маҳбус олдида бирон гап айтиши мумкин эмас. Улар полковник Генкиннинг топшириғига биноан айбини бўйнига олмаётган қайсар маҳбуснинг иродасини синдириш учун атайин «артист»лик қилишаётган эди.

Бугун саккизинчи марта терговга чақирилишим. Уларнинг қўлида мени айбловчи бирорта ҳам жиддий далил йўқлиги билиниб қолди. Фақат, ўзинг айт, ўзинг айтсанг гуноҳинг енгиллашади, деб мени лақиллатмоқчи бўлишади. Мен унча-мунчага лақиллайдиган анойилардан эмасман.

Терговчи фақат битта гапни билади. Айт, советларга қарши айтган гапларингни айт! Совет воқелигини масхара қиладиган латифаларингдан айт!... Мендан садо чиқмайди. Охири шу даражага етдики, кечалари терговчи уйига кетганда ҳам мени камерага туширмай, ухламасин деб ёнимга соқчи қўйиб кетарди. Ўтирган жойимда мудраб қолсам, соқчи туртиб уйғотиб юборарди. Бир жойда ўтираверганимдан оёқларим шишиб кетди. Уч кун ухламаслик қанақа бўлишини биласизми? Ўтирган жойимдан икки марта йиқилиб тушдим. Соқчи кўтариб табуреткага ўтқазиб қўйганини ҳам билмабман. Эрталаб терговчи ишга келиб, яна сўроқни бошлайди. Каллам ғувиллаган, кўзларим тиниб, терговчи берган сўроқ қоғозларини ўқиёлмайман. Қўл қўй, дейди. Қўл қўймайман, ухлаб, кейин ҳушим жойига келганда ўқиб қўл қўяман, деб жавоб қиламан. Бу хил қийноқлардан иш чиқмади. Кейин мен ётган яккахонага (Одиночкага) айғоқчи киритишди. У Рафкин деган яҳудий эди. Ўзининг ғапига қараганда, терговчилар уни кўп қийнаб, азоб беришган экан. У ҳамма яҳудийлар каби сергап, латифага уста, ҳар қандай одамни оғзига қаратиб қўядиган сўзамол киши эди. У билан тез орада дўстлашиб кетдик. У ҳам советларга қарши ташвиқот юритишда айбланган бўлиб, ўзининг айтишича, бундай ишлар билан шуғулланмаган. Терговчилар қийнаб қоғозга қўл қўйдириб олишган экан. Терговчиларнинг қўлига тушдингми, бўлди — энди улардан қутила олмайсан. Бари бир ўшаларнинг айтгани бўлади. Яхшиси, жаҳлини чиқарма. Жаҳли чиқса, жуда оғир жиноятларни ҳам сенга ёпиштириб қўяди. Ҳеч ким унинг гапини бекор қилолмайди. Биз яҳудийлар ҳар қандай жиддий масалани ҳам келишув йўли билан битирамиз. Сен ҳам шу йўлни тутишинг керак. Терговчи билан келишгин. Шунда уйдан овқат ҳам оласан, онанг билан, хотининг билан кўришасан.

Баъзи-баъзида Рафкин икки-уч кун йўқ бўлиб кетарди. Қаёқда эдинг десам, терговчи билан айтишиб қолдим, карцерга ташлаган эди, деб жавоб қиларди.

Бир куни у терговдан ҳориб-чарчаб қайтди. Уни қийнаган бўлсалар керак. Аҳволи оғир эди.

— Менга қаранг, — деди у ана шундай азобли терговдан қайтган пайтларининг бирида. — Бу сассиқ камерадан тезроқ чиқиб кетишнинг чорасини топиш керак. Чораси — терговчининг гапига кўниш. Нимайики ёзган бўлса, барига қўл қўйиб, ишни тезроқ судга ошириш чорасини кўриш керак. Ахир дунёга ўн марта келмаймиз-ку! Биттагина жонимизга бунчалик жабр қилиш керак эмас-да! Бугун мен ҳамма қоғозларга қўл қўйиб бердим. Бирон ҳафтадан кейин ишим судга ошириладди. Сизга ҳам маслаҳатим шу. Тезроқ бу азоблардан қутилиб, лагерга жўнаб кетиш керак. Ҳар қалай, лагер очиқ ҳавода...

Чолдан шубҳаланиб қолдим. У икки-уч марта, хотиним киритибди деб, учта булочка билан тўртта бутерброд олиб кирди. Ажаб, булар хонаки таом эмас, КГБ буфетидан сотиб олинганга ўхшарди. Демак...

Демак, бу чол мени учта булочка билан тўртта бутербродга сотган.

Рафкин терговга чиқиб кетганича ўша ёқда уч кун қолиб кетди. Қаёқда эдингиз десам, турмада эдим, менга туҳмат қилган гувоҳлар билан юзлаштиришди, деди. Мана шу гапдан кейин у бир эҳтиётсизликка йўл қўйди. Қўлини елкамга қўйиб, жуда ҳам меҳрибонлик билан: «Э-э азизим, Имомхон ака...»

У шундай дедию тилини тишлаб олгандек ғалати бир аҳволга тушди.

Бу гапни эшитмаганга олдим. Юз-кўзларимда бирон ўзгариш бўлмади.

Имомхон Ҳусанхўжаев — менинг акам. Уни мендан олдин олти ой аввал қамоққа олишган. Демак, у ҳали ҳам қамоқхонада ётибди. Рафкинни ундан сир олиш учун ёнига киритишган. Ҳозир у эҳтиётсизлик қилиб акамнинг отини айтиб юборди. Акам билан икковимиз бир-биримизга жуда ўхшаймиз. Овозимиз ҳам деярли бир хил.

Ҳатто болаликдаги айрим ўртоқларим ҳам мени акам билан адаштиришади. Бир куни шундай дўстларимдан биттасини учратганимда мени акам деб ўйлаб: «Укангиз ёзувчи бўлдим деб одам танимай қўйган. Тушунтириб қўйинг, бунчалик кеккаймасин!» деган эди.

Рафкинни ўша хатосидан кейин менинг олдимга киритмай қўйишди. Уни қайта кўрмадим.

Энди мени бир қўшиқчи шоир билан юзлаштиришди. Уни соқчи кабинетга олиб кириши билан менга мушт ўқталиб кела бошлади.

— Илон боласи илон, чаён боласи чаён! Унинг дадаси халқ душмани, акаси халқ душмани. Отаси халқ қонини сўрган шафқатсиз бой. Яна бир буваси порахўр қози...

Терговчи уни бурчакка обориб ўтқазиб қўйди ва ундан:

— Манави ўтирган одамни танийсанми? — деб мени кўрсатиб сўради.

— Танийман, — деди Ёнғин. — Бу ҳам отасига, акасига ўхшаган душман.

— Мисоллар билан айт! — деди терговчи.

— Бир минг тўққиз юзу қирқ еттинчи йилнинг олтинчи ноябрида ёзувчилардан бирининг уйида бундай деган: «Ленинград ёзувчиларига мазза! Биз ўзбек ёзувчилари бу ерда эзилиб ётибмиз. Ўша куни Тошкентда биринчи қор ёққан эди».

— Тасдиқлайсанми? — деб сўради терговчи.

— Йўқ, — дедим. — Ўша куни газетамизнинг еттинчи ноябр — байрам сонига ўрта чирчиқлик Қаҳрамон Замира Муталова тўғрисида очерк ёзишга юборишган эди. Ёзлик кийимда кетганим учун совуқда қайтиб келолмадим. Райком секретари Пўлатовнинг уйидан редакцияга сим қоқиб, телефонда очеркни диктовка қилдим. Очеркни журналист, стенограф Аҳмад Шораҳмедов ёзиб олганди. Ундан ташқари, ленинградликлар қандоқ қилиб ўзбек ёзувчиларидан яхши яшаши мумкин? Ахир улар кечагина блокададан чиққан. Улар ҳали ҳам вайроналар ичида яшаяпти...

Терговчи унинг гапларини ёзиб олди. Менинг жавобимни ёзмади.

Энди навбат менга келди.

— Бу одамни танийсанми?

— Танийман, — дедим.

— Унинг советларга қарши айтган гапларини эшитганмисан?

— Йўқ, — дедим. — У билан унчалик яқин бўлмаганман. Фақат ёзувчилар союзидаги мажлисларда, ёзувчиларнинг тўйларида учрашганман. У менга бирон марта ҳам советларни ёмонламаган.

Ёнғиннинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

— Мен аблаҳман! Ҳаётингга зомин бўлган ифлосман! — деб бақира бошлади. — Мени сен қаматгансан, деб ўйлаган эдим. Энди билдим, сотганлар бошқа экан.

— Энди тўғрисини айт, — дедим.

— Айтаман, лекин фойдаси йўқ. Ҳамма гапларимни ёзиб, тагига имзо чекиб қўйганман. Бу хатони энди тузатиб бўлмайди.

Худди шундай юзлаштиришлардан бири талантсизгина, умуман адабиётда омади келмаган, ён қўшнимиз Неъмат Тошпўлат билан ҳам бўлиб ўтди. У армия капитани эди. Шунинг учун ҳам уни бошқа қамоқхонада сақлашган экан.

— Мени контрразведка камоқхонасида тергов қилишди. Қандоққи қоғозга имзо чеккан бўлсам, калтаклар азобидан мажбур бўлганман.

Бу юзлашувда менинг жавобим керак бўлмай қолди. Неъмат йиғлаб тавба қилаверганидан кейин уни сўкиб-сўкиб опчиқиб кетишди.

Юзлаштиришларнинг ҳаммаси ҳам ана шундай ташкил қилинган ёки дўқ-пўписа, калтаклар остида уюштирилган гувоҳларнинг гаплари эди.

Шундай жиддий ташкилот хоналарида бу даражада қаллоблик бўлаётганига сира ишонгим келмасди. Аммо ишонмай иложим йўқ эди. Бу воқеаларни ўз бошимдан ўтказмаганимда бировдан эшитсам ишонмасдим.

Менинг тергов ишимда аниқ, конкрет бир айб тўғрисида гап йўқ. Ҳаммаси сохта гувоҳларнинг омонат гаплари. Мени суд қилиб бўлмаслигига ишонардим. Кейинчалик билсам, суд уч марта тергов ҳужжатларини, суд қилиб бўлмайди, деб қайтарган. Шунинг учун гуноҳини бўйнига олмайдиганларга жазо берадиган «Тройка» деган ташкилотга юборган. Ва менга ўша ёқдан ўн йил қамоқ муддати берилди, деган қоғоз келган эди.

Тавба! Бир бегуноҳ одамни уйидан ҳайдаб олиб келиб зиндонга ташласа, суд бўлмаса, прокурорни кўрмаса, адвокатни кўрмаса. Москвадан келган бир варақ қоғоз билан ўн йил лагерларда сарсон-саргардон бўлса! Сен азоб чекаётган лагер дарвозасига ўрнатилган радиокарнайдан: «Я другой такой страны не знаю, где так вольно дышит человек», деб ашула айтиб турса, бунга қандай чидайсан?!

Лагерда кечган тўрт йиллик ҳаётим, у ерда кўрган одамлар тўғрисида қанчалаб ҳикоялар, мақолалар ёзганман. Ҳурматли ўқувчиларимнинг бу гаплардан хабарлари бор.

Аммо бир воқеани айтсам тилим, айтмасам дилим куяди.

Июн ойининг бошларида Жезқозғоннинг занг босган тошлоқ ерларида каптар қонидек нимранг лола очиларди. Лагеримизни ўраб олган тиконли симлар орасида ҳам битта-яримта лола юз очиб қоларди.

Яқинда жазо муддати тугайдиган қашқадарёлик Кучум деган йигитни соқчилар отиб қўйди. Кучум тиконли симлар орасида очилган лолани узмоқчи бўлиб қўл узатганда тепада турган соқчи тақиқланган зонадан ўтяпти деб ўйлаб, унга қарата ўқ узган.

Кучум ёшлигида ота-онаси ўлиб кетиб, чўлда ҳар кимларнинг молини, қўйини боқиб кунини кўриб юрарди. У уч йилдан бери райком котиби Иззатовнинг ҳеч қаерда ҳисобга олинмаган икки юзта қўйини боқарди. Унинг еттита колхоз чорвасида шунчадан қўйи бор эди. Сир очилиб, Иззатов қамалиб кетади. Кўп чўпонлар қўйларни ҳукуматга топширишади. Шундай хунук воқеа рўй берганини Кучум бир йилдан кейин эшитади. Ҳисобда йўқ қўйларни боққаним учун мен ҳам қамалиб кетмайин деб чет элга қўйларни ҳайдаб ўтиб кетишни дилига тугиб қўяди. Чет эл қочиб кетибдими? Шундоққина кўриниб турибди. Дарёнинг нарёғига ўтсанг, чет эл...

Ўзингиз биласиз, чўл болалари, айниқса, чўпон болалари дуркун, бўйдор бўладилар. Сут, қаттиқ, айрон, пишлоғу қаймоқ, чўл гиёҳларига тўйган қўй-қўзиларнинг гўшти болаларни тез балоғатга етказади. Кучумни кўрганлар ўн саккиздан ошган деб ўйлашарди.

У қўйларни кўройдин кечада Амударёнинг Толлимаржон яқинидаги саёз жойидан ҳайдаб ўтиб кетади. Нариги қирғоқдан туриб иштонини ечиб қичқиради: «Мана, сенларга кўчқор! Мана, сенларга...»

Дарёга ташланган тўрини йиғиб олаётган балиқчидан:

— Шу ер чет элми? — деб сўрайди.

Балиқчи унинг нима деяётганини тушунмай ҳайрон эди.

— Шу ер Туркиями? — деб қайта сўрайди Кучум.

— Йўқ, — дейди балиқчи. — Бу ер Туркия эмас, Туркманистон.

— Барибир эмасми?

— Бари бир эмас. Туркия бошқа, Туркманистон бошқа.

— Бўлмасам, Туркияга қандоқ борилади?

— Унга бир ойдан кўп юрасан, чўлдан ўтиб, кейин денгизда сузиб Туркияга борасан.

Балиқчи унинг қўйларини кўрага қамаб, ўзини милицияга тутиб беради.

Ўн тўрт яшар болани ўн саккиз ёш деб, чет элга қочаётганда қўлга тушган деб, етти йилга кесиб юборишади.

Ана шундан бери Кучум қамоқда эди. Ўн бир кундан кейин муддати тугаб уйига кетиши керак эди. Унинг бир дона лола ушлаб турган қўли қип-қизил қонга бўялди.

Кучум йигирма бир ёшга кирди. Хат танимайдиган, мутлақо китоб ушламаган, ўз номини ёзишни ҳам билмайдиган оми бир чўл боласини сиёсий маҳбус, «халқ душмани» деб етти йил азобладилар. Бу қандай ҳукумат ахир, шу ёш боладан ҳам қўрқади-я!..

*(Давоми бор).*

